

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ПОПОВ ДМИТРИЙ ВЛАДИМИРОВИЧ

**ИККИНЧИ ЖАНУБИЙ СЛАВЯН ТАЪСИРИ
ВА XVI АСР ЭПИСТОЛЯР ЖАНРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ
МАСАЛАЛАРИ
(лексик-грамматик ва стилистик жиҳатлари)**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2019 йил

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Попов Дмитрий Владимирович

Иккинчи жанубий славян таъсири ва XVI аср эпистоляр жанрининг шаклланиш масалалари (лексик-грамматик ва стилистик жиҳатлари) 3

Попов Дмитрий Владимирович

Проблематика второго южнославянского влияния и формирование эпистолярного жанра XVI века (лексико-грамматический и стилистический аспекты) 27

Popov Dmitriy Vladimirovich

The problems of the second South Slavic influence and the formation of the epistolary genre in the 16th century (lexico-grammatical and stylistic aspects)..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ПОПОВ ДМИТРИЙ ВЛАДИМИРОВИЧ

**ИККИНЧИ ЖАНУБИЙ СЛАВЯН ТАЪСИРИ
ВА XVI АСР ЭПИСТОЛЯР ЖАНРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ
МАСАЛАЛАРИ
(лексик-грамматик ва стилистик жиҳатлари)**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2019 йил

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil427 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (nuu.md.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шереметьева Анна Геннадьевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кулмаматов Дусмамат Саттарович
филология фанлари доктори, профессор

Эсанов Ўктам Джаббарович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.26.04.2018.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21; (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz, Ўзбекистон Миллий университети, Бош ўқув биноси (1-қават, 108-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

И.А. Сиддикова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси ўринбосари, филол.ф.д., профессор

Ш.О. Назирова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, филол.ф.н., доцент

И.А. Сиддикова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирда жаҳон тилшунослигида рус адабий тили тарихига оид лисоний муаммолар, хусусан, XIV аср охири – XV асрга тааллуқли иккинчи жанубий славян таъсири ходисасини тадқиқ қилиш зарурати долзарбликни касб этмоқда. Иккинчи жанубий славян таъсири дунёнинг етакчи илмий марказларида батафсил таҳлил қилинганлигига қарамасдан, маданий, тарихий ва лисоний муаммолар илмий асосланмаган ҳамда етарлича тадқиқ этилмаган. Бугунги кунда XVI аср рус адабий тилининг меъёрларини аниқлаш билан боғлиқ муаммолар долзарблигича қолмоқда. Иван Грозний лисоний шахсига бевосита алоқадор бўлган бир қатор муаммолар – расмий ва дипломатик ёзишмалар материаллари асосида унинг индивидуал услубининг XVI асрга хос лисоний вазиятларнинг муҳим лингвистик белгилари билан ўзаро мутаносиблиги сингари ўта муҳим муаммоларнинг ечимини иккинчи жанубий славян таъсири сатҳида амалга ошириш тадқиқи жаҳон тилшунослари олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида кўплаб тадқиқотчилар диққат марказида икки йўналиш ўта муҳимдир. Биринчиси, иккинчи жанубий славян таъсири давридаги рус адабий тилининг структур-семантик ва услубий ўзига хосликлари билан боғлиқ. Жумладан, ёдгорликларнинг ўзига хос лексик таркиби, архаиклашган грамматик шаклларнинг қўлланилиши, ёзувнинг ўзига хос орфографик табиати ўрганилган. Иккинчи йўналиш эса ўша даврнинг мафкуравий ҳаракатлари, Москванинг Византия ҳамда жанубий славян олами ўртасидаги мустаҳкам муносабатлари билан боғлиқ бўлган. Жумладан, XVI аср эпистоляр жанрининг ёрқин вакили – Иван Грознийга тегишли расмий ва дипломатик ёзишмаларнинг чуқур ўрганилиши ва тадқиқ қилиниши, структур-семантик ва стилистик сатҳлар ҳамда уларнинг XVI аср эпистоляр жанри шаклланишидаги тутган ўрнига алоқадор муаммолар биринчи йўналиш доирасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг долзарб муаммолари бўлиб қолади. Ҳозирда иккинчи йўналиш доирасида бадиий ва публицистик матнларда ўз аксини топган исихазмга алоқадор умумфилологик муаммо долзарбланиши.

Ўзбекистон Республикасининг турли соҳаларида кечаётган туб ислохотлар даврида таълим ва маънавият давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Глобаллашув жараёни жадаллашган ва жаҳон мамлакатлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилаётган бир пайтда маънавий кадриятларини акс эттирувчи рус тилининг маълум бир тарихий босқичда ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш, рус миллатининг тарихий-маданий илдизларини англаб етиш учун асосий омил ҳисобланади. Ўзбекистонда тилларни ўрганиш бўйича халқаро таълимий дастурларнинг ишга туширилиши тилшунослик соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун мустаҳкам базанинг яратилишига имкон яратади. Илмий тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва илмий-оммабоп лойиҳалар соҳасида инновацион фаолиятни такомиллаштириш Ҳаракатлар

стратегияси¹ давлат дастурининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, улар тилшуносликни янада ривожлантириш борасида кўшимча имкониятларнинг яратиб берилиши, шунингдек, чуқур ва замонавий тадқиқотлар ўтказишни шарт қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иккинчи жанубий славян таъсирини ўрганиш муаммоси азалдан Россия ва хорижий олимлар эътибори марказидан ўрин олган. А.И. Соболевский, В.О. Ключевский, В.В. Виноградов, Д.С. Лихачев, Л.А. Дмитриев, Б.А. Успенский, А.И. Горшков, А.А. Турилов, Л.П. Жуковская, Б.А. Ларин, В.М. Живов, Д. Ворт, М.В. Иванова, М.Г. Гальченко² ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ушбу соҳадаги фундаментал тадқиқотлар ҳисобланади.

А.И. Соболевский³ ўз тадқиқот ишларига илк бор «иккинчи жанубий славян таъсири» («второе южнославянское влияние») тушунчасини киритди. У, авваламбор, қўлғиналарнинг ташқи шакли – ёзилишига эътиборини қаратади ҳамда графика, орфографияга киритилган янги ўзгаришларга ишора қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль. № 28 (6722).

² Соболевский А.И. История русского литературного языка. – Л.: Наука, 1980. – 194 с.; Ключевский В.О. Древнерусские жития святых как исторический источник. – М.: Наука, 2003. – 483 б.; Виноградов В.В. История русского литературного языка: Избранные труды. – М.: Наука, 1978. – 320 б.; Лихачев Д.С. Исследования по древнерусской литературе. – Л.: Наука, 1986. – 407 б.; Дмитриев Л.А. Роль и значение митрополита Киприана в истории древнерусской литературы: К русско-болгарским литературным связям XIV – XV вв. // ТОДРЛ. – Т. XIX. – М.–Л.: Наука, 1963. – Б. 215-254; Успенский Б.А. Краткий очерк истории русского литературного языка (XI – XIX вв.). – М.: Гнозис, 1994. – 240 б.; Горшков А.И. Отечественные филологи о старославянском и древнерусском литературном языке // Литературный язык и литература. – М.: Издательство Литературного института, 2007. – Б. 77-103; Турилов А.А. Болгарские и сербские источники по средневековой истории Балкан в русской книжности конца XIV – первой четверти XVI вв. Автореф. дис... канд. историч. наук. – М., 1980, – 25 б.; Жуковская Л.П. К вопросу о южнославянском влиянии на русскую письменность // История русского языка: Исследования и тексты. – М.: Наука, 1982. – Б. 277-287; Ларин Б.А. Лекции по истории русского литературного языка. – СПб.: Авалон, 2005. – 416 б.; Живов В.М. Гуманистическая традиция в развитии грамматического подхода к славянским литературным языкам в XV – XVII вв. // Славянское языкознание. – М.: Наука, 1993. – Б. 106-121; Ворт Д. Так называемое «второе южнославянское влияние» в истории русского литературного языка // IX Международный съезд славистов. – М.: Наука, 1983. – Б. 222-223; Иванова М.В. Древнерусские жития конца XIV – XV вв. как источник истории русского литературного языка. – М.: Наука, 1998. – 230 б.; Гальченко М.Г. Книжная культура. Книгописание. Надписи на иконах Древней Руси: Избранные работы. – М.: Алетейя, 2001. – 496 б.

³ Соболевский А.И. История русского литературного языка. – Л.: Наука, 1980. – 194 б.

XIX аср охирида ушбу масала В.О. Ключевский⁴ томонидан Епифаний Премудрый асарлари материаллари асосида черков азиз авлиё-анбиёлари ҳаёти ҳақидаги ҳикоя ва ривоятларнинг асл русча нусхалари тадқиқ қилиниб, уларда тилдан моҳирона фойдаланиш ва XIV аср охири – XV аср бошларида «анбиёлар ҳаёти» (житие)лар услубида мавжуд риторик бўрттирма, муболағалар ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазаларини билдирган.

В.В. Виноградов⁵ «Рус тили тарихининг асосий босқичлари» («Основные этапы истории русского языка») асарида «XIV аср охирларидан бошлаб, иккинчи жанубий славян таъсири оқибатида юзага келган китобий-риторик, славянлаштирилган услубга бурилиш рус адабий тили тарихида ўта муҳим босқич бўлган»лигини таъкидлайди.

Д.С. Лихачевнинг⁶ «Россияда иккинчи жанубий славян таъсирини ўрганишдаги айрим масалалар» («Некоторые задачи изучения второго южнославянского влияния в России») мавзусидаги маърузаси иккинчи жанубий славян таъсири муаммоларини ўрганишнинг янги босқичи билан боғлиқ бўлиб, унда ўша давр Русь маданий вазиятининг чуқур таҳлили билан бир қаторда, мисол учун, «сўзлар тўқилмаси» («плетение словес») услубининг иккинчи жанубий славян таъсири билан ўзаро боғлиқлиги борасидаги анъанавий нуқтаи назарнинг тасдиқланиши каби қоидалар шаклланди.

Л.П. Жуковская⁷ «Анисья ҳаёти» («Жития Анисьи») лавҳалари орфографиясини турли рўйхатларга таянган ҳолда ўрганиб чиқиб, орфографик ҳодисаларнинг анъанавий тарзда жанубий славян таъсири оқибати ҳамда патриарх Евфимий ислохотига боғлиқ эканлиги билан изоҳланиши, қадимги рус ёзма ёдгорликларида кечроқ кузатилганлигини ва иккинчи жанубий славян таъсири масалалари қайтадан кўриб чиқилиши зарурлигини кўрсатиб берди.

В.М. Живов⁸ ўзининг «XV – XVII асрларда славян адабий тилларига грамматик ёндашувни ривожлантиришдаги гуманистик анъана» асарида А.И. Соболевский⁹ томонидан аниқланган иккинчи жанубий славян таъсири чегараларига қайтарди ва «иккинчи жанубий славян таъсирининг асосий стимуллари шахсан рус китобий анъанасининг тараққиётида ётганлигини» тасдиқлади.

Ҳозирда айрим тадқиқот ишларида «иккинчи жанубий славян таъсири» атамасининг график-орфографик доираларга қайтариш¹⁰ тенденциялари аниқ кўринмоқда, бироқ кўплаб тил тарихчилари иккинчи жанубий славян

⁴ Ключевский В.О. Древнерусские жития святых как исторический источник. – М.: Наука, 2003. – 483 б.

⁵ Виноградов В.В. История русского литературного языка: Избранные труды. – М.: Наука, 1978. – 320 б.

⁶ Лихачев Д.С. Исследования по древнерусской литературе. – Л.: Наука, 1986. – 407 б.

⁷ Жуковская Л.П. К вопросу о южнославянском влиянии на русскую письменность // История русского языка: Исследования и тексты. – М.: Наука, 1982. – Б. 277-287.

⁸ Живов В.М. Гуманистическая традиция в развитии грамматического подхода к славянским литературным языкам в XV – XVII вв. // Славянское языкознание: XI Международный съезд славистов. – М.: Наука, 1993. – Б. 106-121.

⁹ Соболевский А.И. История русского литературного языка. – Л.: Наука, 1980. – 194 б.

¹⁰ Гальченко М.Г. Книжная культура. Книгописание. Надписи на иконах Древней Руси: Избранные работы. – М.: Алетейя, 2001. – 496 б.

таъсирини айнан фақат лисоний (стилистик, грамматик ва б.)¹¹ ҳодисалар билан боғлаб ўрганмоқдалар.

Эпистоляр жанрнинг лингвистик сатҳларининг тараққий этиши билан боғлиқ унинг қадимги рус адабиётида шаклланиши ва ривожланиши масалалари Д.С. Лихачев, Э.П. Прохоров, В.В. Ученова, Н.В. Понирко, А.И. Акопов¹² ва бошқа олимлар томонидан етарлича кенг тарзда ўрганилган. Бироқ мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчилари томонидан анъанавий тизимли тилшуносликка доир қуйидаги муҳим муаммолар: 1) XVI аср эпистоляр жанрининг шаклланишида иккинчи жанубий славян таъсирининг тутган ўрни борасидаги муаммолар кенг тадқиқ этилмаган; 2) Иван Грозний мурожаатномаларининг XVI аср Русининг эпистоляр мероси намунаси сифатида ўзига хос услубий ва лингвистик хусусиятлари чуқур ўрганилмаган.

Ўзбекистонда ҳам рус тилининг тарихий грамматикаси ва рус адабий тили тарихига доир кўплаб умумий ва хусусий масалалари ўрганилган, тадқиқотлар юзасидан ўқув қўлланмалари ва диссертация тадқиқот ишлари тайёрланган (қаранг: Г.И. Коляда, С.Д. Никифоров, Д.С. Кулмаматов, Е.Ш. Мирочник, А.Г. Шереметьева¹³ ва бошқалар). Аммо, ҳозирга қадар ушбу тадқиқотларда иккинчи жанубий славян таъсири муаммолари махсус ўрганиш объекти вазифасини ўтамаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Тилдан ташқари борлиқнинг тил ва матнда акс этиши» илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иккинчи жанубий славян таъсири даврига оид контекстларда шаклланган эпистоляр жанри лисоний воситалар тизимининг тарихий шаклланиш қонуниятларини (Иван Грознийнинг мактублари мисолида) очиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

XVI аср Москва Руссидаги лисоний вазиятга умумий тавсиф бериш;

шу давр қадимги рус адабиёти эпистоляр асарларининг ўзига хосликларини ёритиб бериш;

¹¹ Ворт Д. Так называемое «второе южнославянское влияние» в истории русского литературного языка // IX Международный съезд славистов. Резюме докладов и письменных сообщений. – М., 1983. – Б. 222-223; Успенский Б.А. Краткий очерк истории русского литературного языка (XI – XIX вв.). – М.: Гнозис, 1994. – 240 б.

¹² Прохоров Е.П. Эпистолярная публицистика. – М.: Знание, 1966. – 280 б.; Ученова В.В. У истоков публицистики. – М.: Мысль, 1989. – 293 б.; Понирко Н.В. Эпистолярное наследие Древней Руси. XI – XIII вв. Исследования, тексты, переводы. – СПб.: Наука, 1992. – 218 б.; Акопов А.И. Аналитические жанры публицистики. Письмо. Корреспонденция. Статья: учебно-методическое пособие. – Ростов на Дону: Издательство Института массовых коммуникаций, 1996. – Б. 12-28; Лихачев Д.С. Великое наследие // Избранные работы в 3-х т. Том 2. – Л.: Художественная литература, 1987. – Б. 3-342; Лихачев Д.С. Литература времени национального подъема // Памятники литературы Древней Руси. XIV – середина XV века. – М.: Художественная литература, 1981. – 632 б.

¹³ Коляда Г.И. Иван Федоров – первопечатник. Дисс... доктора филол. наук. – М., 1962; Никифоров С.Д. Глагол, его категории и формы в русской письменности второй половины XVI в. – М., 1952. – 344 б.; Кулмаматов Д.С. Среднеазиатские дела посольского приказа как источник для истории русского языка: Автореф. дисс... кандидата филол. наук. – М.: МПГУ, 1995. – 37 б.; Мирочник Е.Ш., Шереметьева А.Г. История русского литературного языка. – Ташкент: НУУз, 2005. – 432 б.

XVI аср эпистоляр жанрининг шаклланишида иккинчи жанубий славян таъсирининг ролини очиб бериш;

Иван Грозний эпистоляр мероси лексик шакллариининг архаиклашувини иккинчи жанубий славян таъсирининг асосий хусусиятларидан бири сифатида аниқлаш ва тавсифлаш;

Иван Грозний эпистоляр меросида иккинчи жанубий славян таъсирида шаклланган контекстда мавжуд сўзлар тўқилмаси услубига хос элементларга илмий таъриф бериш;

Иван Грозний эпистоляр меросида иккинчи жанубий славян таъсирида шаклланган контекстда мавжуд гаплар грамматик тузилиши синтагматикасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида XVI аср рус публицистикаси ёдгорликлари – Иван Грознийнинг расмий ва дипломатик ёзишмалари танланган.

Тадқиқот предметини иккинчи жанубий славян таъсири анъаналари билан боғлиқ XVI аср рус публицистик матнларининг структур-семантик ва услубий ўзига хосликлари ташкил этади (Иван Грознийни расмий ва дипломатик ёзишмалари мисолида).

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида аниқ лисоний фактларни аниқлаш ва уларни структур ва/ёки функционал нуқтаи назардан изчил тавсифлашни шарт қилиб қўйган тавсифлаш методи; тарихий ракурсда услубий тавсифларни таҳлилга тортиш учун муҳим жиҳатларни аниқлашни тақозо этувчи тарихий-услубий метод; нутқий вазиятдаги аҳамиятли жиҳатларини қамраб олган прагмастик метод ҳамда иккинчи жанубий славян таъсири жараёнининг исихазм фалсафий йўналиши билан чамбарчас боғлиқлигини ўрнатувчи тарихий-маданий тавсифлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Иван Грозний эпистоляр меросининг XVI аср қадимги рус адабиёти эпистоляр жанри тараққиёти ва иккинчи жанубий славян таъсири билан ўзаро алоқадорлиги исботланган;

иккинчи жанубий славян таъсирининг, хусусан, Иван Грозний эпистоляр меросида ўз ифодасини топган тил структурасининг барча сатҳларида архаикланиши, экспрессив синтактик элементлари ва «сўзлар тўқилмаси» («плетение словес») услубидан фойдаланиши каби асосий конститутив белгилари аниқланган;

Иван Грозний мактубларининг лексик-грамматик белгилари мажмуи уларнинг иккинчи жанубий славян таъсири феномени (кўп компонентли мураккаб сўзлар, мавҳум лексика, аорист ва имперфектнинг феъл шакллари, отларнинг иккиланган сони ва бошқалар) билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланган;

Иван Грозний мактубларининг синтактик ўзига хосликлари, хусусан, риторик саволлар ва ҳис-ҳаяжон гаплар, ундалмалар, кириш сўз ва киритма конструкциялар ва бошқалар билан боғлиқликда очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Рус адабий тилининг тарихи» ўқув курси, хусусан, рус миллатининг шаклланиш даври тилини чуқур англаб ўрганиш мақсадида XVI аср Москва Русининг эпистоляр меросини таҳлил қилиш методикаси ишлаб чиқилган;

XVI аср рус адабий тилини лексик-грамматик ва стилистик (услубий) хусусиятларини, хусусан, Иван Грозний асарларини лингвистик таҳлил қилиш ва таснифлаш тамойиллари аниқланган;

тадқиқот натижалари «Рус тили тарихи. Рус адабий тилининг тарихи» фанининг ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалари ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий базанинг мавжудлиги; тадқиқот натижалари ва танланган таҳлил методларининг диссертация назарий қоидаларига мутаносиблиги; республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида нашр этилган тезислар; Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган махсус журналларда чоп этилган мақолалар; тадқиқот натижалари бўйича хулоса ва таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот иккинчи жанубий славян таъсирининг қадимги рус адабиёти эпистоляр меросида тутган муҳим ролига нисбатан янги нуқтаи назарнинг шаклланиши учун мустақам пойдевор яратади, унинг натижалари лингвистикани «сўзлар тўқилмаси» («плетение словес») услубининг мавқеи ва асосий лингвистик белгилари ҳақидаги илмий-назарий билимлар билан бойитади; тадқиқотнинг принцип ва методикаси тарихий русистиканинг назарий асосларини бойитади ва келажакдаги илмий тадқиқотлар учун база вазифасини ўтайди.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти олинган натижаларнинг махсус курс ва семинарларни ишлаб чиқишда, «Рус тили тарихи. Рус адабий тилининг тарихи» фани муаммолари билан боғлиқ бўлган дарсликлар, ўқув қўлланмалар тайёрлашда, тегишли йўналишлар бўйича талабалар, маълум бир йўналишлар бўйича магистрант ва докторантлар учун факультатив машғулотларни ўтишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иккинчи жанубий славян таъсири муаммолари ва XVI асрнинг эпистоляр жанрининг шаклланиш масалалари юзасидан олинган натижалар асосида:

экспрессив синтактик конструкциялар таҳлили билан боғлиқ илмий хулосалар ИТД-1-57 «Ўзбек тилининг амалий муаммоларини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш» амалий тадқиқотлар грант лойиҳаси доирасида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 89-03-2338-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалий татбиқи лисоний фактларнинг ўзига хосликларини ёритиш, уларнинг ўзига хос тузилишини аниқлашда, хусусан, синтактик бирликларнинг ҳиссий-ифодалар сатҳларини очиб бериш учун хизмат қилган;

XVI аср эпистоляр жанри ривожланишининг асосий даврлари таҳлили; Иван Грозний эпистоляр меросининг XVI аср эпистоляр жанри тараққиёти ва иккинчи жанубий славян таъсири билан ўзаро алоқадорлиги; Иван Грознийнинг эпистоляр меросида ўз аксини топган иккинчи жанубий славян таъсирининг конститутив белгилари; Иван Грозний мактубларидаги мавжуд лексик-грамматик белгилар мажмуининг иккинчи жанубий славян таъсири феномени билан боғлиқлиги борасидаги хулосалардан А-1-197 «Инглиз ва немис тилларини ўрганиш учун ўқув-методик модулларни такомиллаштириш ва улардан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари» лойиҳаси доирасида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 январдаги 89-03-19-сон маълумотномаси), иккинчи жанубий славян таъсирининг эпистоляр жанрининг шаклланишида тутган муҳим ролига нисбатан янги нуқтаи назарнинг шаклланиши учун мустаҳкам пойдевор яратган, унинг натижалари лингвистикани «сўзлар тўқилмаси» («плетение словес») услубининг мавқеи ва асосий лингвистик белгилари ҳақидаги илмий-назарий билимлар билан бойитган;

Иван Грозний мактубларининг нутқий-прагматик жиҳати ва «сўзлар тўқилмаси» («плетение словес») услубининг экспрессив синтактик элементлари ўзаро нисбатлиги билан боғлиқ илмий хулосалар ОТ-А1-118 «Ўзбекистон Республикасининг кўпмаданиятли таълимий муҳитида таълим сифатининг самарадорлигини ошириш методологиясини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш» лойиҳаси доирасида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2019 йил 5 январдаги 89-03-19-сон маълумотномаси). Диссертациянинг илмий натижалари «сўзлар тўқилмаси» («плетение словес») услубидаги публицистик матнлар ва экспрессив синтактик элементлари нутқий-прагматик томонларнинг ўзаро муносабатдорлигини ўрганишда асос бўлиб хизмат қилган;

Иван Грозний мактубларининг лексик-грамматик белгилари мажмуи уларнинг иккинчи жанубий славян таъсири феномени (кўп компонентли мураккаб сўзлар, мавҳум лексика, аорист ва имперфектнинг феъл шакллари, отларнинг иккиланган сони ва бошқалар) билан чамбарчас боғлиқлиги бўйича олинган хулосалардан Ўзбекистон Рус маданий маркази Андижон вилояти бўлими ва Андижон вилояти ҳалқ таълими бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган Рус тили фестивалида «Иккинчи жанубий славян таъсири Русь – Россиянинг тарихи ва маданиятида» илмий семинарни ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Рус маданий марказининг 2019 йил 7 сентябрдаги 02-172-сон маълумотномаси). Натижада Иван Грозний мактубларида мавжуд лексик-грамматик белгилари мажмуининг аниқлашда иккинчи жанубий славян таъсирининг ролига нисбатан янгича нуқтаи назарнинг шаклланиши учун мустаҳкам пойдевор яратган, семинар иштирокчиларининг рус тили тарихига оид илмий-амалий билимларининг ошишига хизмат қилган;

эпистоляр жанрнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти билан боғлиқ илмий хулосалар, шу билан бир қаторда XVI асрга оид публицистик асарларни

ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари Андижон вилояти телерадиокомпаниясида «Муносабат», «Нигоҳ» телекўрсатувлари ҳамда «Интервью» радиоэшиттириши учун сценарийлар материалларини тайёрлашда қўлланилган (Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 21 июнь 20-21-31-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар мазмунининг янги маълумотлар билан бойитилиши, мухлислар аудиториясининг мавзу бўйича янги таассуротларга эга бўлишлари ҳамда уларда лисоний маданият толерантлиги туйғусини тарбиялаш кабиларга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 28 та, жумладан, 12 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 128 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзаблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижалар асосида диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**XVI аср Москва Руссидаги лисоний вазиятнинг умумий тавсифи**» деб номланиб, уч параграфдан иборат. Унинг «**Рус адабий тили тарихининг даврлаштирилиш масалалари**» деб номланган 1.1. параграфида рус адабий тилининг даврлаштирилишига доир асосий муаммолар баён этилган. Бир неча таснифлар асосига (Н.А. Мещерский¹⁴, А.И. Горшков¹⁵) тарих фани (халқнинг мавжудлик шакллари билан бир қаторда турли давлат шакллари ҳам диққат марказига олинган) ёрдамида аниқланадиган ривожланиш фазаси ёки даврларига мувофиқ келувчи рус адабий тилини даврлаштириш тамойиллари қўйилганки, бунинг натижасида этник, давлат ва лисоний белгиларнинг аралашуви кузатилади.

¹⁴ Мещерский Н.А. История русского литературного языка. – Л.: Издательство ЛГУ, 1981. – 280 б.

¹⁵ Горшков А.И. Теория и история русского литературного языка. – М.: Высшая школа, 1984. – 319 б.

Тарихий русистикада юқорида баён этилган муаммога бағишланган яна бир нуқтаи назар мавжудки, (В.В. Виноградов¹⁶, Д.В. Левин¹⁷ ва бошқалар) ундан келиб чиқиб, рус адабий тили тарихи даври ҳақида маълум бир давр адабий тили қачонки ўзидан олдинги ва кейинги даврлар адабий тилидан фарқловчи қандайдир бошқачароқ хусусиятларни мужассам этганида гапириш мумкин экан. Яъни тил тараққиётининг маълум бир онда лисоний тизим ҳолатини баҳолаш тушунилади.

В.В. Виноградов ва В.Д. Левин фақат лисоний маълумотларга таянган ҳолда рус адабий тили тарихини даврларга ажратадилар. Фаолиятдаги тиллар (бир тилли//кўп тилли лисоний вазият), адабий тил ва шева­ларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда адабий тилнинг ички стилистик дифференцияланишуви нуқтаи назаридан лисоний вазиятларни очиб бериш рус адабий тили тарихини даврлаштириш масаласида мутлақо ўзгача ёндашув ҳисобланади (А.М. Камчатнов, Ф.П. Филин, Д.С. Лихачев). Шундай ёндашувга мувофиқ рус тили тарихчилари томонидан, қадимги Русдаги лисоний вазият бир тилли (А.А. Шахматов¹⁸) ёки икки тилли (Ф.П. Филин¹⁹, Д.С. Лихачев²⁰) деб таърифланади. Биз учун Б.А. Успенскийнинг²¹ қарашлари нисбатан тўғрилиги, у XI – XVII асрда Русь давлатида лисоний вазиятини диглоссия ҳодисаси деб ҳисоблайди. А.М. Камчатновнинг лисоний ўзига хосликларга таяниб даврларга ажратишини таянч даврлаштириш сифатида қабул қиламиз.

«XVI аср рус адабий тили ва иккинчи жанубий славян таъсири муаммоси» деб номланган 1.2. параграфда иккинчи жанубий славян таъсири муаммосини қўйиш учун асос бўлган рус тили тарихидаги ўзгаришлар – от (турланиш типларининг унификацияланиши) ва сифатларга (тўлиқсиз шаклдаги турланишнинг йўқолиши) хос турланиш системасининг аста-секинлик билан қайта қурилиши; аорист, имперфект, плюсквамперфект каби феъл шакллари­нинг йўқолиши ва перфект шакли негизида -л- суффиксли ўтган замон феълига хос ягона шаклнинг вужудга келиши; сон категориясининг соддалашуви (сон сўз туркумидаги иккилик шаклининг йўқолиши); кўп сўзларнинг архаизацияси ва уларнинг янги сўзлар билан алмашинуви; кесим ролидаги сифатдош ўрнининг йўқолиши ва бошқалар кўриб чиқилган.

Ушбу шакл ва конструкциялар жонли тилда қўлланилмай қолди, бироқ китобий услубда ёдлаш ёзувчилар мактаби ва нусха кўчирувчилар туфайли сақланиб қолди, бунинг натижасида китобий ва сўзлашув тили ўртасида узилиш содир этилиши кутилди. Киев Руси лисоний вазиятидан фарқловчи вазият – ягона тилда ёзилган асарларнинг услубий дифференциацияланашуви

¹⁶ Виноградов В.В. История русского литературного языка: Избранные труды. – М.: Наука, 1978. – 320 б.

¹⁷ Левин В.Д. Краткий очерк истории русского литературного языка. – М.: Просвещение, 1964. – 247 б.

¹⁸ Шахматов А.А. Русский язык, его особенности. Вопрос об образовании наречий. Очерк основных моментов развития языка // Очерк современного русского литературного языка. – М.: Учпедгиз, 1941. – 288 б.

¹⁹ Филин Ф.П. Истоки и судьбы русского литературного языка. – М.: Наука, 1981. – 327 б.

²⁰ Лихачев Д.С. Стиль произведений Грозного и стиль произведений Курбского // Переписка Ивана Грозного с Андреем Курбским. – М.: Наука, 1993. – Б. 183-213.

²¹ Успенский Б.А. Краткий очерк истории русского литературного языка (XI – XIX вв.). – М.: Гнозис, 1994. – 240 б.

борасида фикр юритиш имкони пайдо бўлди. Н.С. Трубецкой²² терминологиясидан фойдаланган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, лисоний архаика ва янгилик орасидаги кураш – бу иккитиллилик вазиятидир.

С.Д. Лихачев²³ ва Л.А. Дмитриевлар²⁴нинг тадқиқотлари иккинчи жанубий славян таъсирини ўрганишга бағишланган бўлиб, улар мазкур жараёни тўлиқ XV аср даври билан белгилайдилар. Б.А. Ларин²⁵ иккинчи жанубий славян таъсири муаммосини ўрганиш бўйича янгича ғоялар киритиб, XV асрнинг иккинчи ярмидан адабий тилдаги эски китобий анъаналарни қайта тиклаш жараёни бошланганлигини уқтиради ва ушбу жараёни иккинчи жанубий славян таъсиридан ажратиш кераклигини таъкидлайди. Л.П. Жуковская²⁶ фикрига кўра, иккинчи жанубий славян таъсири номи остидаги ёзма маданиятнинг янги хусусиятлари XV асрда шаклланган ва XVI асрни ҳам ўз ичига қамраб олган. Шуни таъкидлаш муҳимки, иккинчи жанубий славян таъсири, авваламбор, графика, орфография ва кулёзмаларнинг ташқи кўринишига таъсир этган, бу даврнинг лисоний ўзига хосликлари адабий тилнинг архаиклашуви билан изоҳланади. (Ф.П. Филин²⁷ ва Л.П. Жуковская²⁸). Архаиклашиш жараёни тилнинг барча лексик, морфологик, синтактик сатҳларига ўз таъсирини ўтказган.

«XIV – XVI аср рус ёзма анъаналарининг услубий ўзига хосликлари»

1.3. параграфида «сўзлар тўқилмаси» («плетение словес») тушунчасининг келиб чиқиши ва мазмунига алоқадор бир қатор муаммолар ҳамда «сўзлар тўқилмаси» генезиси ҳодиса сифатида олинган. «Сўзлар тўқилмаси» тушунчаси²⁹ қадимий юнон илдизларига эга.

Уни Русда биринчи марта XIV – XV асрнинг машҳур китобатчиси Епифаний Премудрый «Стефан Пермский ҳақида ривоят» асарида ишлатган. Биз «сўзлар тўқилмаси» («плетение словес») генезиси борасидаги анъанавий қарашларга бирмунча зид нуқтаи назарга эгамиз. XIV – XV аср чегарасида пайдо бўлган мазкур услуб жанубий славянлардан олинган бўлиб, жанубий славян китобатчилари ижодида ўша услуб ёзувига оид усуллар илк Византия адабиёти таъсири остида дунёга келган.

Бизнингча, «иккинчи жанубий славян таъсири» ва унинг асосий исихастлар мафкураси Епифаний Премудрийга таврот ва Епифаний Премудрий асарларидан олган суггестив изоқолия негизида «сўзлар тўқилмаси» («плетение словес») услубини яратиш учун туртки бўлган.

²² Трубецкой Н.С. История. Культура. Язык. – М.: Прогресс – Универс, 1995. – 800 б.

²³ Лихачев Д.С. Исследования по древнерусской литературе. – Л.: Наука, 1986. – 407 б.

²⁴ Дмитриев Л.А. Нерешенные вопросы происхождения и истории экспрессивно-эмоционального стиля XV в. // ТОДРЛ. – Т. XX. – М.–Л.: Наука, 1964. – Б. 72-89.

²⁵ Ларин Б.А. Лекции по истории русского литературного языка. – СПб.: Авалон, 2005. – 416 б.

²⁶ Жуковская Л.П. Грецизация и архаизация русского письма второй половины XV – первой половины XVI вв. (Об ошибочности понятия «второе южнославянское влияние») // Древнерусский литературный язык в его отношении к старославянскому. – М.: Наука, 1987. – Б. 144-176.

²⁷ Филин Ф.П. Истоки и судьбы русского литературного языка. – М.: Наука, 1981. – 327 б.

²⁸ Жуковская Л.П. К вопросу о южнославянском влиянии на русскую письменность // История русского языка: Исследования и тексты. – М.: Наука, 1982. – Б. 277-287.

²⁹ Malik Mulič. Srpsko «pletenje sloves» do 14 stoljeća. – Radova zavoda za slavesku filologiju. – Zagreb, 1963. – №5.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби «**Иккинчи жанубий славян таъсири даврида эпистоляр жанрининг тараққий этиши**» деб номланиб, уч параграфдан ташкил топган. 2.1. «**Антик давр эпистоляр жанри**» номли параграфда илк антик давр бадиий наср адабиёти бошида турган Сукрот, Афлотун, Сенека, Кичик Плиний, Цицерон каби машҳур ёзувчи, нотик, публицист, файласуфлар даври эпистоляр жанри ривожланишининг асосий сатҳлари кўриб чиқилган. Ушбу муаллифлар эпистоляр меросини таҳлил қилиш унинг вужудга келиш давридан то масал ва сатира каби кичик мустақил жанр бўлгунига қадар даврни ўз ичига олган эпистоляр эволюциясини кўриб чиқиш имконини беради. Эрамизнинг I асрига келиб эпистоляр жанри уни чегараловчи композиция шартларидан озод бўлиб, тилга ихтиёрсизлик, бепарволик ва эркинликни намоён қилди.

Жанр жиддий услубий меъёрларнинг йўқлиги (ёркин услубий эффектга эга лисоний воситаларнинг услубий хусусиятларини онгли танланиши ва омихталаштирилиши), бадиийлик (тилнинг «сўзлар уйини», цитация, нутқнинг поэтик оборотлари каби тасвирий-ифодалари воситаларидан фойдаланиш), эмоционаллик (муаллифнинг бошқа бир шахсга ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари ва таассуротларини ифодалаш орқали мурожаат шакли), бир хат доирасида турли табиатга эга сюжетларнинг бирлаштирилиши каби ўзига хос хусусиятларни эгаллади. Жанр юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятлар туфайли янги услубий ва композицион ечимларга эга мустақил эпик жанрга айланди.

Иккинчи бобнинг «**Рус эпистоляр жанри ва публицистикаси манбалари**» номли 2.2. параграфидан рус адабий тили тарихида публицистика жанрининг шаклланиш шарт-шароитлари ўрганилган. Қадимий рус публицистикасининг адабий ўтмишдошлари сифатида Византия йилномалари (Иоан Малал, Георгий Амартол, Георгий Синкелалар «йилномалари»), агиографик адабиёт («Буюк Антоний ҳаёти ҳақида ривоятлар», «Савва Освещенний ҳаёти ҳақида ривоятлар» «Василий Новий ҳаёти ҳақида ривоятлар», «Вячеслав Чешский ҳаёти ҳақида ривоятлар») ҳамда Киев Русининг шахсий маиший ёзишмалари ёдгорликлари (София черкови деворларидаги граффитилар ва қайин пўстлоғига ўйиб ёзилган новгород ёрликлари)ни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. XII асрга келиб, эпистоляр жанрининг «Мономахнинг ўз болаларига насиҳатлари» сингари ёркин намуналари дунё юзини кўрди.

Бундан ташқари, қайин пўстлоғига ёзилган ёрликларни ҳам рус эпистоляр жанрининг қадимий намуналари деб ҳисоблаш мумкин. Қайин пўстлоғига ёзилган ёзувлар, авваламбор, аҳолининг кенг қатламларига хос шахсий ёзишмалар ва иш хизматига алоқадор мазмунга эга матнлардир. Кўплаб шундай қайин пўстлоғига ёзилган ёзувларни таҳлил қилган Н.А. Мещерскийнинг³⁰

³⁰ Мещерский Н.А. Существовал ли «эпистолярный стиль» в Древней Руси? (Из заметок о грамотах на бересте) // Избранные статьи. – СПб.: СПбГУ, 1995. – Б. 39-44; Мещерский Н.А. Новгородские грамоты на бересте как памятник древнерусского литературного языка // Избранные статьи. – СПб.: СПбГУ, 1995. – Б. 88-107; Мещерский Н.А. К изучению языка и стиля Новгородских берестяных грамот // Избранные статьи. – СПб.: СПбГУ, 1995. – Б. 108-147.

фикрича, Қадимги Русда «ўзига хос эпистоляр» услуби ҳақида масалаларни тўғри қўйиш, эпистоляр этикет формулаларининг пайдо бўлишини антик Юнон ва Шарқ эллин эпистоляр анъаналарига йулланганлигини кўрсатади.

«XVI аср эпистоляр асарларининг ўзига хос хусусиятлари»

2.3 параграфида XVI аср эпистоляр жанрининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилиб, таъкидланганки, XVI асрдаги китобат ўзининг маълум контурларига – интимлик ва шу билан бирга публицистиклик, таркибий аниқлик ва антик даврда пайдо бўлган композицион элементларига эга бўлади. XVI асрдаги эпистоляр жанр славян китобат адабиёти, публицистика ва расмий насри кесишувида натижасида китобат жанри бир қатор ўзгаришларга дуч келади. Натижада эпистоляр публицистика деб номланган мутлақо янги ҳодиса ҳақида сўз юритилиши мумкин. Қадимги рус эпистоляр публицистикасининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: биринчидан, мурожаатларнинг «очиқлиги», муаллиф томонидан унинг асари билан нафақат адресат, балки бошқа китобхонлар ҳам танишишини билиш, яъни мурожаатларни қайта кўчирилишини, кўпайтирилишини, алоҳида тўпламларга қўйилишини билиш, иккинчидан, уларнинг фош этиш мазмунига эгаллиги, яъни «очиқ» мурожаатлардаги адресат муаллифнинг нафақат «суҳбатдоши», балки «фош этиш предмети» ҳам бўлган, шунинг учун ўзининг адресатларига эффе́ктив таъсир этиш мақсадида «очиқ» хатларнинг муаллифлари турли-туман услубий усулларни қўллашга ҳаракат қилганлар.

«Иван Грозний эпистоляр меросининг лисоний хусусиятлари» деб номланган учинчи боб тўрт параграфдан ташкил топган. 3.1 **«XVI аср рус тилига мувофиқ «одат» (узус)» ва «меъёр» (норма) тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги»** параграфида «одат» (узус)» ва «меъёр» (норма) тушунчаларига нисбатан пайдо бўлган муносабатлар, яъни: қадимий рус адабий тилига нисбатан «меъёр» тушунчасининг ишлатилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади, чунки бир қатор тадқиқотчилар (А.А. Алексеев³¹, А. Едличка³², М.Л. Ремнева³³) фикрича, ушбу тушунча маъносини кенгайтиришга тўғри келадик, токи унинг қўлланилишига эҳтиёж қолмасин (меъёрнинг «қатъий» ва «сусайган» типи, унинг «кенг доирада ўзгариши» ҳақида ва х.к.). Кўриниб турибдики, ушбу тушунча XI – XVI аср тили учун қўлланилиши мумкин эмас. Ўрганилаётган тил вазиятини таърифлаш учун, «узус»дан нормага ўтиш даври – узусни англаш босқичи ҳақида айтиб ўтиш жоиздир.

«Иван Грозний эпистоляр меросининг лексик-грамматик хусусиятлари» 3.2. параграфида тилнинг архаиклашув жараёнига, жонли сўзлашув тилининг кўплаб элементларидан онгли ва атайлаб тарзда воз кечиш маъносида таърифланганки, бу эса тил тузилмасининг барча сатҳларида, авваламбор, грамматик ва лексик сатҳларда Иван Грозний мурожаатларида

³¹ Алексеев А.А. Пути стабилизации языковой нормы в России XI – XVII вв. // Вопросы языкознания. – М.: Наука, 1987. – №2. – Б. 34-47.

³² Едличка А. Проблематика нормы и кодификация литературного языка в отношении к типу литературного языка // Проблема нормы в славянских языках в синхронном и диахронном аспектах. – М.: Наука, 1976. – Б. 16-40.

³³ Ремнева М.Л. История русского литературного языка. – М.: Филология, 1995. – 400 б.

юқори услуб шаклланишининг коститутив белгиларидан бири эканлигидан дарак беради. Биз томондан кўзга кўринган шакллар таърифланган. Гап ўтган замон шакллариининг ўзига хос қўлланилиши (3.2.1.), соннинг иккилик шакли (3.2.2.), матннинг ўзига хос синтактик тузилиши (3.2.3.), матнда ўзлашган қатлам ва унинг вазифалари (3.2.4.) устида кетмоқда. Айнан шу белгилар XVI аср китобий тилининг ўзига хослиги ва спецификасини кўрсатиб беради. Маълумки, рус адабий тили тарихининг ўрганилаётган даврида ўтган замон феълининг синтетик ва аналитик шакллари (перфект, имперфект, плюсквамперфект, аорист) ё парчаланган (масалан, перфект шакллари), ё йўқолиб борган. Иван Грозний мурожаатларида мураккаб, семантик жиҳатдан ўзгарган даврий система акс этган. Иван Грознийнинг Андрей Курбский билан бўлган ёзишмаларида бир хил контекстларда аорист ва перфект қўлланилган, имперфект шакллари ўтган замон феълларининг бошқа шаклларига нисбатан камроқ учрайди, чунки аорист ўзига имперфект функцияларини олган. Тадқиқ этилаётган матнда феъл шакллариининг бир неча функцияларини ажратиш мумкин:

Перфект функциялари:

1) Боғловчили перфект бошқа шахсга бўлган мурожаатда: «*Почто, царю, силныхъ ... побилъ еси, воеводъ расторгль еси, святую кровь ихъ пролиялъ еси, праги обагриль еси, гонения умыслилъ еси...*»³⁴, ҳамда боғловчисиз перфект: «*Что провинили предъ тобою и чемъ прогнѣвали тя крестиянскии предстатели? не претвердые ли царства разорили и подручные тобѣ их во всемъ сотворили?*». Олмош билан ифодаланган эганинг мавжудлигига қарамасдан, бир-бирига мурожат пайтида перфект боғловчиси (*ты, вы*), ёки тўғридан-тўғри мурожаатда (*царю, княже*) сақланиб қолади. Ушбу перфектли боғловчининг эга ва ундалмалар билан кетма-кетлиги услубий вазифага эга: урғу коммуникантларнинг гап кетаётган вазиятлардаги шахсий иштирокларига берилган, диалогик мулоқот таъкидланган, шахс ифодаси эмас, балки унинг конкретлашуви муҳим ўрин эгаллаган.

2) Хатга иқтибос келтирилганда: «*А еже писалъ еси, про что силныхъ во Израиле побили... расторгли есмя... кровь пролияли есмя, праги обагрили есмя, смерти и гонения умыслили есми... то еси писалъ и глаголалъ ложсию*». Шахс маъносида келувчи, перфектли боғловчи таркибидаги эга билан мураккаблашмаган перфектли конструкциялар воқеаларни ҳикоя қилишда қўлланиладиган аорист функциясини бажарган. Иван Грозний ўз хизматкори Андрей Курбскийнинг феъл-атворини таърифлашда қуйидаги аористдан фойдаланган: «*Онъ благочестие свое соблюде... крестнаго ради целования тебе не отвержесе... умрети за тебе тчашесе...*». Андрей Курбскийнинг ўзига мурожаат этганида эса яна перфектга ўтади: «*Ты же сего благочестию не поревновалъ еси... души прародителей погубилъ еси... Богъ их поручилъ в работу, и они, давъ свои души, и до своей смерти служили, и вамъ приказали служити. А ты то все забылъ еси... со врагомъ христианскимъ соединился*

³⁴ Ушбу ва кегинги иқтибослар қуйидаги манбадан берилган: Памятники литературы Древней Руси (вторая половина XVI в.) // Под. ред. Д.С. Лихачева. – М.: Художественная литература, 1986. – 640 б.

еси». Шундай қилиб, ушбу ҳолатда, яна перфект боғловчиси ва олмош сақланган, уларнинг боғланиши эса китобхонлар диққат-эътиборини Андрей Курбский ҳаракатларига жалб этган.

3) Шахсни ифодалашда: ушбу функция дипломатик ёзишмаларда кенг қўлланган, чунки боғловчили перфект нейтрал характерга эга бўлган. Бундан ташқари, дипломатик ёзишмаларда перфект шакллари ўтган замоннинг бошқа шакллари сикиб чиқарган: *«И в кою пору послали есмя своего посланника. И после того прислала еси к намъ своего посланника»*. Эга мавжуд бўлмаган ҳолларда дипломатик ёзишмаларда боғловчили перфект шакллари кенг тарқалган, бунинг аксида эса боғловчисиз перфект ишлатилган.

4) Ўша даврда долзарб бўлган, узоқ ўтмиш воқеаларни ёдга солиш ҳолларида. 3 шахс бирликдаги перфектли боғловчили шакли, расмий кўлёмалар ёдгорликлари учун етарли даражада архаик ҳисобланган. Масалан: *«Вспомини же и в царехъ великого Константина: како царствия ради сына своего, рожденного от себѣ, убилъ есть. И князь Феодоръ Ростиславовичъ, прародитель вашъ, в Смоленце на пасху колики крови пролиялъ есть»*.

Иван Грозний мурожаатларида аористнинг қуйидаги вазифаларини ажратиш мумкин:

1) Воқеаларни ҳикоя қилиб беришда. Бу Иван Грозний билан Андрей Курбский ёзишмаларидаги аористнинг асосий функцияси: *«Послание прияхъ, вразумѣхъ, познахъ; во уме моемъ смысляхъ, совесть мою свидетеля поставляхъ, и искахъ и зрехъ, мышление обращался, и не вемъ себѣ, и не наидохъ – в чем предъ тобою согревивши; здѣ приучихся сему»*.

2) Бироқ тафсилотларни аниқлатиришда муаллиф имперфект шаклларига ўтади: *«Еже не восхотѣхомъ младенцемъ быти? ...но сия вся аки злочества творяхуся... надменная словеса неистове изношаху, и сия вся благочестиве вменяхуся имъ»*.

Бир контекстда аорист билан перфектнинг кетма-кетлиги:

1) Ўтмишда воқеаларни санаб ўтишда ҳам аорист, ҳам перфект шакллари ишлатилган: *«Коего зла и гонения от тебѣ не претерпехъ! Коихъ бѣдъ и напастей на мя не подвиглъ еси! ...всего лишень быхъ и от земли божия тобою туне отогнанъ быхъ... И воздалъ еси мнѣ злая воз благая и за возлюбление мое»*. Бироқ ушбу ҳолатда шаклларнинг кетма-кетлиги шасхга боғлиқ бўлган. Чунки сигматик аористнинг шакллари (1 шахс бирликда ва 2 шахс бирликда) бир-бирига тўғри келар эди: 1 шахс бирликда сигматик аорист шакли, 2 шахс бирликда эса перфект шакли ишлатилган: *«Что сего случишася в Руси, егда быша в коемждо граде градоначалницы и местоблюстители. И какова разорения быша, от сего самъ своима беззаконныма очима видаль еси»*. Шуни таъкидлаш жоизки, воқеаларни таърифлашда аорист шакллари афзал ҳисобланади, айнан маълум бир муайян шахсни эслатишда эса перфект шакллари мунтазам ишлатилади.

2) Изчил баёнда ҳам аорист ва перфектнинг кетма-кетлиги кузатилади. Масалан: *«Еже царство безъ владателя обретоша, насъ государей своихъ, никоего промышления доброхотного не сподобиша сами ринушеся к*

богатству, и тако **наскочиша** другъ на друга. И елико тогда **сотвориша!** Колика бояръ ...**избиша**... Дворы и села **восхитиша!** И казну матери нашей **перенесли** в Большую казну, а иное **разъяша** и дѣдь твой то и **сотвориль**». Бу ерда изчил баёнда ҳам аорист билан перфектнинг кетма-кетлиги кузатилади, чунки боғловчисиз перфект ўтган замонни ифодалашда ўз маъносини кенгайтиради.

Иван Грозный мурожаат мактубларида даврий рамкали конструкцияларни белгилаш мумкин, унда перфект шакллари ичида аорист шакллари бўлган рамкани ташкил қилади: «**Погубити себя не даль есми?** А какова злая от васъ тогда **пострадахъ**. Понеже мя **исторгосте** от духовнаго покойного жития и бремя на мя **наложисте**... сами ни единымъ перстомъ **не прикаснустесь**». Сатр охирида яна перфектга ўтади: «**Еже вамъ погубити себя не даль есми?...** Ты крестное целование ни во что же **вмѣнилъ еси...**». Ўша даврга алоқадор муносабатда бўлган перфект шакллари долзарб маълумотларни ифодалайди, аорист шакллари эса ўтмишда бўлиб ўтган ҳаракатларни ифодалайди. Шундай қилиб, рамкали конструкцияда ўтган замоннинг бирламчи ва асосий маънолари кўрсатилган.

Ўтган замон шакллари орасида аорист шакллари устундир (576), перфект шакллари анча камроқ (383), имперфект шакллари камдан-кам учрайди (40). 3 шахс шакллари мутлақ устундир (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Ўтган замон шакллари

		Перфект	Аорист	Имперфект
Бирлик сон	1-ш.	38	63	-
	2-ш.	94	47	-
	3-ш.	65	254	28
Иккилик сон	1-ш.	-	7	-
	2-ш.	-	9	-
	3-ш.	9	32	-
Кўплик сон	1-ш.	96	53	-
	2-ш.	19	37	-
	3-ш.	62	74	12
Жами		383	576	40

Иккилик сонининг қўлланилиш ҳолатларида эса Иван Грозный ва Андрей Курбский ўртасидаги ёзишмаларда иккилик сонининг қуйидаги типларини ажратиш мумкин: эркин (қўллашнинг 39 ҳолатларида) жуфт отларни ифодалагани учун у эркин бўлган («**А мирская вся совершаются, яко же и у Чюда быша среди царствующаго града предъ нашими очима**») ва боғланган, унда от иккилик маъносига эга бўлган тартиб ва миқдор сонлар билан биргаликда келади (оба, два) («**Мы Себежь велимъ зъжечи, а обе земли у тебя будутъ. Утомишь обе земли. Присяги обе крепко держаны были, а не изрушени**»). Биз томондан тадқиқ қилинган матнларда боғланган иккилик сонининг 28 ҳолатларда қўлланилганлиги қайд этилди.

Экспрессивликка эга бўлган синтактик конструкциялар иккинчи жанубий славян таъсирини ифодаланишнинг муҳим хусусиятларидан биридир (сўзлар тартибининг ўзгариши, эллиптик конструкциялар, такрорлашлар, қиёсий оборотлар, сўроқ ва ҳис-ҳаяжон гаплар ва ҳ.к.), айнан:

риторик саволлар (**что** олмоши (турли келишикларда) + **же** (**убо**)...? (!) юкламаси: «**Что же** даси на ней измѣну в день Страшного суда?»; «**А о безбожныхъ языцехъ что и глаголати!**»);

таркибида шубҳа бўлган гаплар: (**или** боғловчиси + «фикр», «таклиф» маъноларидаги феъллар: **мниши** (**даси, предложиши**)..., **яко** (**еже**)...? боғловчиси: «**Или мниши, окаянне, яко** убречися того?»; «**Или мниши сие свѣтлость благочестива, еже** обладатися царьству от попа невѣжи и от злодѣйственныхъ изменныхъ человекъ, и царю повелеваему быти?»);

таркибида маълум бир чегарадаги ғазаб ва нафратланиш мазмунига эга бўлган гаплар: (**како** равиши + **же, убо** юкламалари..., **яко** (**еже, аще**)...? (!) боғловчиси: «**Како же** сего не могль еси разсудити, **яко** подобаетъ властителемъ не звѣрски яритися, ниже безсловесно смирятися?»; «**Како ли убо ты** не со Иудею предателемъ равно причтешися!»);

